

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗАКИРЪЯЕВА САИДАХОН ИКРАМОВНА

***BACILLUS* VA *PAENIBACILLUS* АВЛЮДИГА МАНСУБ ФОСФОР
ПАРЧАЛОВЧИ РИЗОБАКТЕРИЯ ХУЖАЙРАЛАРИНИ
ИММОБИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚУРУҚ ШАКЛДАГИ
БИОЎЎИТЛАР ОЛИШ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

УЎК: 579.64+631.461.73+631.421+633.5.511.+633.1.11.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Закирьяева Саидахон Икромовна

Bacillus ва *Paenibacillus* авлодига мансуб фосфор парчаловчи ризобактерия хужайраларини иммобилизация қилиш ва куруқ шаклдаги биоўғитлар олиш.....3

Закирьяева Саидахон Икромовна

Иммобилизация клеток фосформобилизующих ризобактерий pp. *Bacillus* и *Paenibacillus* и получение сухих форм биоудобрений..... 23

Zakiryayeva Saidakhon Ikromovna

Immobilization of cells of phosphor mobilizing rhizobacteria gg. *Bacillus* and *Paenibacillus* and receiving dry forms of biofertilizer..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЗАКИРЪЯЕВА САИДАХОН ИКРАМОВНА

***BACILLUS* VA *PAENIBACILLUS* АВЛЮДИГА МАНСУБ ФОСФОР
ПАРЧАЛОВЧИ РИЗОБАКТЕРИЯ ХУЖАЙРАЛАРИНИ
ИММОБИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ҚУРУҚ ШАКЛДАГИ
БИОЎҒИТЛАР ОЛИШ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD./В9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси microbio@academy.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джуманиязова Гульнора Исмаиловна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зайниддинова Людмила Ибрахимовна
биология фанлари доктори
Мячина Ольга Владимировна
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz).

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7 б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Арипов Тахир Фатихович

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н.

Гулямова Ташхан Гафуровна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида тупроқ унумдорлигини барқарор сақлашда турли кимёвий ўғитлар билан бир қаторда, биологик ўғитлардан кенг фойдаланилмоқда. Аммо, биоўғитлар таркибидаги микроорганизмлар ҳужайрасининг ноқулай тупроқ шароитида яшаб қолиш имкониятларининг пастлиги муаммоли масалалардан биридир. Ушбу масаланинг ижобий ечими ташувчиларга иммобилизацияланган ҳужайраларни қўллаш бўлиб, у ҳужайраларни узоқ муддат яшаб қолиши учун жуда қулай микроэкология ва ўсимлик метоболитлари билан бактерияларни жуда самарали ўзаро муносабатини таъминлайди. Шу сабабли, микроорганизмлар ҳужайраларини узоқ муддат яшовчанлигини ва функционал фаоллигини сақлаб қолиш хусусиятларини аниқлаш асосида қуруқ биопрепаратларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш замонавий микробиология ва биотехнология йўналишида муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар деҳқончилигида тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда биологик ўғитларнинг турли шакллари, жумладан, қуруқ препаратли шаклларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қуруқ препарат шаклидаги биологик ўғитлар ўз хусусиятларини узоқ вақт барқарор сақлай олиши ва ташиш учун қулайлиги, уларни кенг қўллаш имконини беради. Турли ташувчиларга ризобактериялар ҳужайраларини иммобиллаш уларнинг физиологик хусусиятларини узоқ муддат барқарор сақлаш имкониятларини аниқлашни, самарали ташувчини танлашни ҳамда олинган натижалар асосида бактериал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу боис, самарадор ташувчига иммобилланган ризобактериялар асосида биоўғитлар олиш ва турли хил к/х экинларига қўллаш биотехнологиясини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикамызда тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экиш олдида суяқ суспензия шаклидаги биопрепаратлар билан ишлов бериш орқали муайян натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усулларни, энг асосийси замонавий сув- ва ресурстежамкор агротехнологияларни кенг жорий қилиш” бўйича вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада, жумладан, турли хил ташувчиларга иммобилланган *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб ризобактериялар асосида бактериал ўғитлар ҳамда комплекс таъсир қилувчи қуруқ биопрепаратлар олиш усулларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 7 февраль, 2017 йил, ПФ-4947-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги № ПП-1958 қароридаги “2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш меъёрлари бўйича” ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 142-сон қароридаги “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури” Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Микроорганизмлар ҳужайраларини турли хил ташувчиларга иммобиллаш жараёнларини ўрганганликлари бўйича олимларнинг ишлари маълум: *Bacillus mucilaginosus* бактериясини хитинли сорбентларга иммобилланиши ўтказилган (Няникова ва б. 2002). *B. pumilus* SAF1 культураси полиакриламид гелига, альгинат натрийга, агар-агарга иммобилланган ва уларнинг антагонистик фаоллиги ўрганилган (Hasan F. et al., 2009). Турли хил ташувчиларга, яъни альгинат кальций, полиакриламид ва агар-агарга иммобилизацияланган *B. pumilus* МТСС 2296 ва *B. subtilis* К-30 ҳужайраларни самарадолиги ўрганилган (Kumari et al., 2009, Suresh et al., 2011). *B. megaterium* МТСС2444 ҳужайраларини кальций альгинатига иммобилизацияси олиб борилган (Mrudula et al., 2012). *B. amyloliquefaciens* SP1 культурасини кальция альгинати, агар ва полиакриламидга иммобилланиши текширилган (Guleria et al., 2016). Адсорбцион иммобиллаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинлари учун азот фиксация қилувчи *Azotobacter vinelandii* ИМВ В 7076 ва фосфор парчаловчи *B. subtilis* ИМВ В 7023 бактерия штамmlарини ўз ичига олувчи комплекс таъсирга эга гранулаланган бактериал препаратлари яратилган (Курдиш, 2001, Курдиш ва б., 2007-2009). Қаттиқ ташувчига иммобилланган *B. subtilis* ҳужайраси асосида янги биологик препарат яратилган (Ефимова ва б., 2011). *B. subtilis* subsp. *spizizenii* ҳужайраларини глицеринга иммобиллаш йўли билан биоўғит яратилган (Galelli et al., 2015).

Полифункционал хусусиятларга эга маҳаллий фосфор парчаловчи ризобактерия штамmlари тирик ҳужайраларини турли хил ташувчиларга иммобиллашга ва улар асосида қуруқ биоўғитлар олиш усулларига тегишли бўлган масалалар ўрганилмаган.

Шу сабабли, маҳаллий фосфор парчаловчи ризобактерия штамmlари асосида қуруқ шаклдаги бактериал ўғитлар ва биопрепаратларни яратишда узоқ вақт давомида ҳужайраларни яшовчанлигини ва ризобактерияларнинг физиологик хусусиятларини барқарорлигини сақловчи самарали ташувчиларни танлаб олиш муҳим жиҳат ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-068 “Шўрланган тупроқларга қарши самарали микробли биотехнологиялар яратиш” (2006-2008 йй.), ФА-А9-Т131 “Полифункционал микроорганизмлар асосида комплекс таъсир этувчи биопрепаратлар олиш биотехнологиясини яратиш” (2009-2011 йй.) ва ФА-А6-Т111 “Комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 ва RIZOKOM-2 биопрепаратларини ярим саноат шароитида ишлаб чиқариш биотехнологиясини яратиш” мавзулардаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади – *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб ризобактериялар асосидаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги комплекс таъсир этувчи биопрепаратларни куруқ препаратли шакллари олиш усуллари яратишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

турли хил ташувчиларнинг адсорбцион хусусиятини аниқлаш, бактерия хужайраларини иммобиллаш учун самарали ташувчиларни танлаш;

узоқ муддат сақлаш жараёнида стерилланган ташувчиларга иммобилланган ризобактерияларнинг яшовчанлиги ва сақланувчанлигини кузатиш;

иммобилланган ризобактерия хужайраларини узоқ муддат (4 йил) сақлагандан сўнг физиологик фаолликлари – фосфор парчалаш (уч кальций фосфатини парчалаш, фитинни минерализациялаш), антагонистик, фитогормонал, ўсишни жадаллаштирувчи ва илдиз ҳосил қилувчи хусусиятларини аниқлаш;

ризобактерияларни самарали иммобиллаш учун истиқболли ташувчиларни танлаб олиш, ҳамда бактериал ўғит ва биопрепаратларнинг куруқ препаратли шакллари олиш усуллари ишлаб чиқиш;

турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари учун куруқ шаклдаги бактериал ўғит ва биопрепаратларни қўллаш нормасини ва дозасини аниқлаш;

куруқ FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни ишлаб чиқаришни технологик ва аппаратурали схемаларини яратиш;

янги куруқ шаклдаги комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепаратини шўрланган тупроқларда ғўза етиштириш учун ва RIZOKOM-2 биопрепаратини буғдой етиштириш учун Давлат рўйхатига олиш синовидан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида суюқ шаклдаги FOSSTIM-1, FOSSTIM-3 бактериал ўғитлари ва комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1, RIZOKOM-2 биопрепаратларининг асоси ҳисобланган маҳаллий фаол фосфор парчаловчи ризобактериялар, органик ва ноорганик ташувчилар, ғўзанинг “С-6524” ва “Султон” навлари, буғдойнинг “Крошка” ва “Таня” навлари, помидорнинг “Волгоградский 5/95” нави, бодрингнинг “Орзу” нави,

бўз тупроқ, Сирдарё вилоятининг ўртача ва кучли шўрланган тупроқлари хизмат қилди.

Тадқиқотнинг предмети ташувчиларнинг адсорбциялаш хусусиятини, уларнинг микробиологик, кимёвий ва физикавий таркибини, ризобактерия ҳужайраларини иммобилланишини ва уларнинг яшовчанлигини, сақланувчанлигини, ҳамда узоқ муддат сақлангандан сўнг физиологик хусусиятларининг барқарорлигини ўрганиш; янги қуруқ шаклдаги бактериал ўғитлар ва биопрепаратлар яратиш, уларни лаборатория шароитида шўрланган тупроқларда ғўза ва буғдойнинг биометрик кўрсаткичларини ривожланишига, ҳамда дала шароитида ҳосилдолигига таъсирини ўрганиш; лаборатория шароитида ризобактерияларни ўстириш шароитини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни ўтказишда микробиологик, биокимёвий, физико-кимёвий, спектрофотометрик, агрокимёвий, биотехнологик, технологик, биометрик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ташувчилар – фосфор уни, фосфогипс, каолин, кум, кўмир чанги ва биокомпостларнинг микрофлораси аниқланган;

турли хил ташувчиларнинг кимёвий, физикавий таркиби ва илк бор уларнинг адсорбциялаш хусусияти аниқланган;

илк бор *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб стерилланган ташувчиларга иммобилланган фосфор парчаловчи ризобактериялар ҳужайраларининг яшовчанлиги ва сақланувчанлиги узоқ муддат сақлаш жараёнида динамика бўйича аниқланган;

илк бор ризобактерияларни стерилланган ташувчиларда узоқ муддат (4 йил) сақлагандан сўнг физиологик хусусиятларининг барқарорлиги асосланган;

лаборатория ва ярим саноат ишлаб чиқариш шароитида ризобактерия культураларини ўстириш шароити оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор адсорбцион иммобиллаш усули ёрдамида сақлаш муддати юқори бўлган FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларнинг қуруқ шакллари яратилган;

қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни ишлаб чиқаришни техник шароити, лаборатория регламенти, технологик ва аппаратурали схемаси яратилган;

уруғларга экиш олдида ишлов бериш учун қуруқ шаклдаги бактериал ўғитлар ва биопрепаратлар қўлланилганда, ўрганилган қ/х экинларини илдиз ҳосил бўлиши, ўсиши ва ривожланиши жадаллашганлиги исботланган;

шўрланган тупроқларда қуруқ шаклдаги RIZOKOM-1 (ғўзада) ва RIZOKOM-2 (буғдойда) биопрепаратларини ишлаб чиқариш синов тажрибалари ўтказилган ва суяқ шаклдаги биопрепаратлардан нисбатан қ/х экинларининг ҳосилдорлигини ошганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот

тажрибалари энг камида 3 маротабадан ўтказилганлиги, бу эса энг ишончли ва барқарор натижаларни ўртача қийматини ҳисоблаб чиқиш имконини берганлиги билан асосланган. Экспериментал маълумотларга статистик хато, ўртача, ишончлилик интерваллари, стандарт оғишларни ҳисоблаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва стандарт методлар ёрдамида олиб борилган. Натижаларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун, Стъюдентни t-критерийсини ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хил қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта, буғдой, полиз экинлари) учун янги қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларини олиш ва қўллаш биотехнологиясини яратиш учун турли хил ташувчиларга (фосфор уни, каолин, қум, тупроқ, кўмир чанги ва биокомпост) иммобилланган *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб ризобактериялар ҳужайраларини физиологик хусусиятлари (кислота ҳосил қилиш, фосфор парчалаш, антагонистик, фитогормонал, ўсишни жадаллаштириш ва илдиз ҳосил қилиш фаолликлари) ни барқарорлиги 4 йил давомида сақланиши динамика бўйича ўрганиб чиққанлиги ва натижада ризобактерия ҳужайраларини иммобиллаш учун самарали ташувчи – фосфор унини танлаб олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фосфор уни *Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб фосфор парчаловчи ризобактерияларни сақлашга қодирлиги, қуруқ шаклдаги биоўғитларни барқарорлиги ва самарадорлиги ошиши, ҳамда уларни ўсимликшуносликда қўллаш қулайлиги ва транспортбоплигидан иборат. Яратилган технологик схема қишлоқ хўжалиги учун қуруқ шаклдаги биоўғитларни ишлаб чиқаришда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва комплекс таъсир этувчи RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни яратиш ва жорий қилиш бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалар асосида:

полифункционал хусусиятли фосфорпарчаловчи *Bacillus subtilis* BS-26 бактерия штамми учун Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (UZ № IAP 04712, 2013) олинган. Натижада яратилган янги иқтисодий самарали озиқа муҳити саноат шароитида FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва комплекс таъсир этувчи RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни қуруқ препарат шаклида олиш имконини берган;

қуруқ шаклдаги FOSSTIM-1 бактериал ўғити Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида пахта майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/23-20-сон маълумотномаси). Натижада бактериал ўғитнинг таъсири туфайли ғўзадан 3-6 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган.

қуруқ шаклдаги RIZOKOM-1 ва RIZOKOM-2 биопрепаратлари Сирдарё вилоятининг шўрланган майдонларида ғўза ва буғдой ўсимликларига жорий

этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 07/23-20-сон маълумотномаси). Натижада биопрепаратнинг таъсири туфайли ғўзадан 2,5-5 ц/га, буғдойдан 3,0-4,9 ц/га кўшимча ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та, жумладан 7 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий ишлар, булардан 16 таси Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашларда, жумладан 14 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган, 1 та ихтиро патенти олинган, ҳамда 5 та патент талабномаси топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турли хил ташувчиларга иммобилланган микроорганизмлар ва ўсимликшунослик учун микробиологик препаратлар”** деб номланган биринчи бобида турли хил ташувчиларга микроорганизмларни иммобиллаш, яшовчанлигини ўрганиш, микроорганизмларнинг сақланувчанлигини ва физиологик хусусиятларининг барқарорлиги, бактериял ўғитларнинг турли хил препаратли шакллари олиш ва тупроқ унумдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш учун микробиологик препаратларни қўллаш истиқболлари бўйича тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг **“Қуруқ шаклдаги бактериял ўғитлар ва биопрепаратларни олиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида қуруқ шаклдаги бактериял ўғитларни олиш материаллари ва усуллари, ҳамда лаборатория ва дала тадқиқотлари усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг **“*Bacillus* ва *Paenibacillus* авлодига мансуб фосфор парчаловчи ризобактериялар хужайраларини иммобиллаш ва улар**

асосида куруқ препарат шаклидаги бактериал ўғитлар ва биопрепаратларни олиш” деб номланган бобида фосфор парчаловчи ризобактериялар асосида куруқ шаклдаги бактериал ўғитларни тайёрлаш учун ташувчиларни танлаш, маҳаллий фаол фосфор парчаловчи ризобактерияларни иммобиллаш, стерилланган ташувчиларда ризобактерияларнинг сақланувчанлигини ва яшовчанлигини, ҳамда узок муддат стерилланган ташувчиларда сақлангандан кейин ризобактерияларнинг физиологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Фосфор парчаловчи ризобактериялар асосида куруқ шаклдаги бактериял ўғитларни тайёрлаш учун ташувчиларни танлаш. Куруқ шаклдаги биоўғитларни тайёрлаш учун омадли танланган ташувчилар уларни ўраб турган муҳитга фаол таъсир қилади, микробли метоболизмни стимуллайди, хужайраларни ноқулай таъсирлардан ҳимоя қилади, физиологик ва биокимёвий фаоллигини сақлайди.

Шундай қилиб, куруқ шаклдаги биоўғитларни тайёрлаш учун энг самарали ташувчиларни саралаш бўйича изланишлар олиб борилди. Фосфор парчаловчи ризобактерияларни адсорбция қилиш учун ташувчилар сифатида неорганик (каолин, фосфор уни, фосфогипс, кўмир чанги) ва органик (биокомпост, бўз тупроқ) ташувчиларни қўлладик.

Ташувчиларнинг микрофлораси ва физико-кимёвий таркиби. Ташувчилар асосида куруқ шаклдаги биопрепаратларни тайёрлашда уларнинг стерилизацияси катта аҳамият касб этади, яъни препаратдаги бактериялар титрини, ҳамда уларнинг сифат кўрсаткичларини пасайтиришга қодир ушбу субстратлардаги ёт микрофлораларни йўқотишга эришилади.

Шунга кўра, ташувчиларнинг стерилизациядан олдин ва кейин автоклавда 1 атм.да 1 соат давомида микрофлораси ўрганилди. Стерилизациядан олдин кўмир чанги ($6,2 \pm 0,15$ lg КХБ/г), каолин ($5,4 \pm 0,10$ lg КХБ/г), тупроқ ($4,5 \pm 0,12$ lg КХБ/г) ва биокомпост ($4,4 \pm 0,11$ lg КХБ/г) кўп миқдорда аммонификаторларни тутганлиги ва бошқа ташувчиларда улар учрамаганлиги намоён бўлди. Олигонитрофиллар стерилизациядан олдин кўп миқдорда тупроқ ва биокомпостда ($7,1 \pm 0,18$ lg КХБ/г) учради, кумда ва каолинда ($6,3 \pm 0,16$ lg КХБ/г), кўмир чангида ($5,2 \pm 0,14$ lg КХБ/г), фосфор уни ва фосфогипсда ($4,7-4,3 \pm 0,12$ lg КХБ/г). Микромицетларнинг миқдори стерилизациядан олдин тупроқда ва биокомпостда $6,2 \pm 0,15$ lg КХБ/г, каолинда - $5,2 \pm 0,12$ lg КХБ/г, кўмир чангида - $4,1 \pm 0,12$ lg КХБ/г ни ташкил қилди, бошқа ташувчиларда эса улар учрамади. Актиномицетларнинг миқдори биокомпост ва тупроқда $6,2 \pm 0,15$ lg КХБ/г, каолинда - $5,2 \pm 0,12$ lg КХБ/г, кўмир чангида - $4,1 \pm 0,13$ lg КХБ/г ни ташкил қилди, бошқа ташувчиларда учрамади. Икки марталик стерилизациядан сўнг барча ташувчилар ёт микрофлорадан холи бўлди. Ташувчиларнинг физикавий хоссалари, кимёвий таркиби ва рН кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).

Ташувчиларнинг физик-кимёвий хусусиятлари

Ташувчилар	Физикавий хусусияти		Кимёвий таркиби			pH
	Гигроскопик намлиги, %	Грануломет рик таркиби, мм	NPK умумий шакли, %			
			N	P	K	
бўз тупроқ	1,7	0,05-0,01	1,2	0,1	1,9	7,0
фосфор уни	0,5	0,1-0,05	0,04	0,52	0,21	8,5
каолин	0,2	0,05-0,01	0,10	0,12	0,33	8,0
биокомпост	1,4	0,1-0,05	2,1	0,2	2,5	6,8

Ташувчиларнинг адсорбциялаш хусусияти. Фосфор парчаловчи ризобактерияларнинг *B. megaterium* BM-1, *B. subtilis* BS-26, *B. subtilis* 56, *B. subtilis* 64, *B. polymyxa* BP-700, *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113, *P. amylolyticus* PA-118 стерилланган ташувчилар – каолин, фосфор уни, фосфогипс, кум, кўмир чанги, биокомпост ва бўз тупроққа адсорбцияси ўрганилди. Ўрганилган ташувчилар ичида энг юқори адсорбция фоизини фосфор уни, фосфогипс ва каолин (94,6 дан 100% гача) намоён қилди (2-жадвал).

Турли хил ташувчиларнинг адсорбциялаш хусусияти, (адсорбция % и)

Ташувчилар	Фосфор парчаловчи ризобактериялар (штамм №)								
	BM-1	BS-26	BP-700	56	64	BS-80	BL-83	PP-113	PA-118
тупроқ	97,8	71,4	80,0	30,0	100,0	99,3	98,4	99,9	98,0
кум	77,8	42,8	84,0	60,0	88,0	98,5	94,0	91,3	94,0
фосфор уни	99,2	98,5	98,0	99,8	99,0	99,8	99,9	99,5	99,3
фосфогипс	-	-	-	-	-	99,9	99,9	99,9	99,9
каолин	100,0	94,6	98,0	99,5	100,0	99,0	97,6	93,3	93,3
кўмир чанги	97,8	85,7	96,0	96,9	91,0	-	-	-	-
биокомпост	66,7	70,0	80,0	60,0	92,0	99,1	98,4	97,0	98,6

Шундай қилиб, ташувчиларнинг адсорбциялаш хусусиятини ўрганиш натижасида, кейинги тадқиқотларимиз учун адсорбция фоизи бўйича энг яхши ташувчилар ҳар бир монокультуралар учун танлаб олинди. Танлаб олинган ташувчилар атроф муҳит учун ҳавфсиз ва қиммат эмас.


FOSSTIM сериясидаги бактериялар ўғитлар таркибидаги фосфор парчаловчи ризобактериялар ва тупроқ штаммини, ҳамда *RIZOKOM* сериясидаги полифункционал хусусиятига эга шўрга чидамли гўза ва бугдой ризобактерияларини иммобиллаш жараёнларини текшириш. Фосфор парчаловчи *B. megaterium* BM-1, *B. polymyxa* BP-700, *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113, *P. amylolyticus* PA-118, *B. subtilis* 56, *B. subtilis* 64 ва *B. subtilis* BS-26 тупроқ штаммини стерилланган ташувчиларга иммобиллаш жараёни ўрганилди. Фосфор парчаловчи ризобактериялар хужайраларини иммобиллаш учун физик, яъни адсорбцион иммобиллаш усулидан фойдаландик. Ушбу усул арзон, содда, универсал ва хужайрага стрессли таъсирлар кўрсатмайди.

Стерилланган ташувчиларда фосфор парчаловчи ризобактерияларнинг яшовчанлиги ва сақланувчанлиги. Иммобилланган хужайраларни қўллашнинг


муҳим авфзаллиги уларнинг токсик субстратларга чидамлилиги ва яшовчанлик муддатини узайиши ҳисобланади. Танлаб олинган ташувчиларда ризобактерияларни яшаб қолиши, уларни сақланувчанлиги ва физиологик хусусиятларини барқарорлиги 4 йил давомида ўрганилди. Тадқиқот натижалари, куруқ биоўғитлар тайёрлаш учун барча ташувчилар бир хилда яроқли эмаслигини кўрсатди. Юқори адсорбциялаш хусусиятига эга бўлишига қарамадан, баъзи ташувчилар уларга солинган бактерия ҳужайралари титрини яхши сақлай олмади.

Тадқиқот натижаларидан, 4 йил давомида *B. megaterium* BM-1 ҳужайралари яшовчанлиги фосфор унида яхши сақлаганлиги, яъни ҳужайра титри $8,13 \pm 0,53$ lg КҲБ/г, каолинда эса сақлаш муддати ошиши билан ҳужайралар миқдори $6,10 \pm 0,48$ lg КҲБ/г га пасайганлиги намоён бўлди. *B. megaterium* BM-1 штамми кўмир чангида 3 йил давомида яхши сақланди, 4 йилга келиб эса яшовчан ҳужайралар титри $7,70 \pm 0,52$ lg КҲБ/г га пасайди (дастлабки титри - $9,20 \pm 0,36$ lg КҲБ/мл). *B. subtilis* BS-26 штамми фосфор унида 4 йил давомида $9,23 \pm 0,38$ lg КҲБ/г титри билан яхши сақланди, каолинда ҳужайралар сонини $8,73 \pm 0,32$ lg КҲБ/г гача пасайиши кузатилди (дастлабки титри - $9,67 \pm 0,49$ lg КҲБ/мл). *B. polymyxa* BP-700 штамми фосфор унида ҳам, каолинда ҳам сақланмади (1-расм). 4 йил давомида *B. subtilis* BS-80 штаммини яшовчанлигини ўрганиш ҳужайралар фосфор уни, тупроқ, кум ва каолинда яхши сақланганлигини кўрсатди. Биокомпостда эса 4 йилга келиб, *B. subtilis* BS-80 споралар миқдори 2 тартибга пасайди, фосфогипсда ҳужайралар сақланмади. Бошқа штаммлар *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва *P. amylolyticus* PA-118 билан ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди (2-расм).

Комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-2 биопрепарати таркибидаги *B. subtilis* 56 ва *B. subtilis* 64 штаммлари билан ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди.



1-расм. FOSSTIM серияси бактериал ўғитлари таркибидаги *B. megaterium* BM-1, *B. subtilis* BS-26 ва *B. polymyxa* BP-700 штаммларни турли хил ташувчиларда сақлаш жараёнида яшовчанлиги ва сақланувчанлиги динамикаси





2-расм. Комплекс таъсир этувчи RIZOKOM-1 биопрепарати таркибидаги *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва *P. amylolyticus* PA-118 штаммларини турли хил ташувчиларда сақлаш жараёнида яшовчанлиги ва сақланувчанлиги динамикаси


Шундай қилиб, узоқ муддат фосфор парчаловчи ризобактериялар ва тувроқ штаммини яшовчанлиги ва сақланувчанлиги бўйича ташувчиларни скрининг қилишда, энг яхши ташувчи сифатида фосфор уни танланди. Олинган маълумотлар, келгусида самарали куруқ шаклдаги биоўғитларни яратишда асос бўлиши мумкин. Ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар бундай биоўғитларни хусусиятини янада батафсил ўрганиш ва уларнинг сифатини, аввалом бор ризобактерияларнинг яшовчанлигини оширишга ёрдам беради.

Ризобактерияларни турли хил ташувчиларда узоқ муддат сақлангандан сўнг кислота ҳосил қилиши. Имобилланган хужайраларни, эркин ҳолдаги хужайралардан ажратиб турувчи муҳим хусусияти функционал фаоллигини юқориликдир. Шунга кўра, ризобактерияларнинг танлаб олинган ташувчиларда узоқ муддат (4 йил) сақлангандан сўнг фосфор парчалаш фаоллиги ўрганилди. Ризобактерияларнинг кислота ҳосил қилиш жадаллиги бўйича тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда, узоқ муддат турли хил ташувчиларда сақланганда бактерияларнинг фосфор парчалаш фаоллигига турлича таъсир қилиши диққатни ўзига тортди.

Тадқиқотлар натижасида, фосфор унига имобилланган *B. megaterium* VM-1, *B. subtilis* 64 (5 суткада), *B. subtilis* BS-26, *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва *P. amylolyticus* PA-118, *B. subtilis* 56 хужайралари (3 суткада) эркин ҳолдаги хужайраларга нисбатан кўп миқдорда титрланадиган кислоталар ажратишганлиги аниқланди (3, 4-расмлар).



3-расм. Фосфор парчаловчи ризобактерияларнинг эркин ҳолдаги ва иммобилланган *B. megaterium* BM-1 ва *B. subtilis* BS-26 хужайраларини ажратган кислоталарининг умумий миқдори




4-расм. Фосфор парчаловчи ғўза ризобактерияларнинг эркин ҳолдаги ва иммобилланган хужайраларини ажратган кислоталарининг умумий миқдори

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари 4 йилдан сўнг турли хил ташувчиларда (тупроқ, кум, каолин, фосфор уни ва биокомпост) сақланган иммобилланган фосфор парчаловчи ризобактериялар хужайралари кислота ҳосил қилиш хусусиятини даврий (йилига бир марта) экиб, 4⁰С ҳароратда агарда сақланган эркин ҳолдаги хужайраларга нисбатан яхшироқ сақлаганлигини кўрсатди. Фосфор унига иммобилланган фосфор парчаловчи ризобактерияларнинг кислота ҳосил қилиш хусусияти энг яхши сақланганлигини намоён қилди.

Иммобилланган ризобактерия хужайраларини Ca₃(PO₄)₂ ва фитиндан P₂O₅ ни парчалаши. Турли хил ташувчиларган иммобилланган ризобактериялар хужайраларининг 3-5 суткалар давомида Ca₃(PO₄)₂ ва фитиндан P₂O₅ парчалаши ўрганилди.

Тадқиқот натижалари, фосфор унига иммобилланган *B. megaterium* BM-1, *B. subtilis* 64, *B. subtilis* BS-26, *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва *P. amylolyticus* PA-118, *B. subtilis* 56 ва *B. subtilis* 64

хужайралари эркин ҳолдаги хужайраларга нисбатан $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ва фитиндан P_2O_5 кўп миқдорда ажратганликлари аниқланди (5-расм).



5-расм. Эркин ҳолдаги ва иммобилланган ризобактерия ва *B. subtilis* BS-26 хужайраларининг $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ (А) ва фитиндан (Б) P_2O_5 ни парчалаши

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари 4 йилдан сўнг фосфор унига иммобилланган фосфор парчаловчи ризобактериялар ва тупроқ штамми хужайралари бошқа ташувчиларга иммобилланган ва эркин ҳолдаги хужайраларга нисбатан минерал ва органик фосфатларни эритиш хусусиятини яхшироқ сақлаганликлари, ҳамда фосфорни барқарорроқ ажратганликларини кўрсатди.

Иммобилланган ризобактериялар хужайраларининг антагонистик фаоллиги. Эркин ҳолдаги ва иммобилланган фосфор парчаловчи ризобактериялар ва *B. subtilis* BS-26 хужайраларининг *V. dahliae*, *Fusarium solani*, *F. oxysporum* 173, *A. alternata* 63 ва *F. vasinfectum* 181 фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик фаоллиги ўрганилди (3-жадвал).

Иммобилланаган ризобактерия хужайраларининг антагонистик фаоллигини ўрганиш натижасида, барча фосфор унига иммобилланган


ризобактерия хужайралари эркин ҳолдаги хужайраларган нисбатан фитопатоген замбуруғларга қарши энг катта ингибирловчи зона кўрсатганликлари аниқланди.

3-жадвал

Иммобилланган (ИМ) ва эркин ҳолдаги (ЭХ) ризобактериялари ва *B. subtilis* BS-26 хужайраларининг фитопатоген замбуруғлари ўсишини ингибирлаши

Шўрга чидамли фосфор парчаловчи ризобактериялар хужайралари	Фитопатогенларни ўсишини ингибирлаш (d,мм)				
	<i>Fusarium solani</i>	<i>Verticillium dahliae</i>	<i>Alternaria alternata</i> 63	<i>Fusarium oxysporum</i> 173	<i>Fusarium vasinfectum</i> 181
<i>Bacillus megaterium</i> BM-1					
ЭХ	15±0,18	90±0,0	45±0,58	10±0,17	-
фосфор унига ИМ	30±0,44	85±0,58	60±0,44	20±0,29	-
<i>Bacillus subtilis</i> BS-26					
ЭХ	90±0,0	90±0,0	30±0,33	15±0,17	-
фосфор унига ИМ	81±0,58	90±0,0	65±0,44	30±0,33	-
<i>Bacillus subtilis</i> BS-80					
ЭХ	18±0,44	22±0,60	18±0,58	26±0,58	20±0,44
фосфор унига ИМ	42±0,33	30±0,44	40±0,44	36±0,33	35±0,33
<i>B. licheniformis</i> BL-83					
ЭХ	18±0,58	12±0,33	25±0,60	16±0,58	16±0,44
фосфор унига ИМ	28±0,33	22±0,29	60±0,33	24±0,33	28±0,29
<i>Paenibacillus polymyxa</i> PP-113					
ЭХ	17±0,50	15±0,33	15±0,58	18±0,44	15±0,33
фосфор унига ИМ	26±0,29	28±0,33	28±0,33	30±0,33	28±0,33
<i>P. amylolyticus</i> PA-118					
ЭХ	30±0,50	22±0,44	22±0,33	22±0,44	12±0,29
фосфор унига ИМ	38±0,44	30±0,33	36±0,29	30±0,33	22±0,17
<i>B. subtilis</i> 56					
ЭХ	90±0,0	90±0,0	45±0,36	-	-
фосфор унига ИМ	90±0,0	90±0,0	75±0,48	-	-
<i>B. subtilis</i> 64					
ЭХ	10±0,16	30±0,32	10±0,16	-	-
фосфор унига ИМ	40±0,33	90±0,0	45±0,36	-	-


Эркин ҳолдаги ва фосфор унига иммобилланган хужайраларининг томат фитопатоген замбуруғларига нисбатан антагонистик фаоллиги ўрганилди. Иммобилланган хужайралар *Cladosporium herbarum* Link. 56 (d=85±0,64 мм), *A. alternata* 650 (d= 65±0,58 мм) ва *F. oxysporum* 460 (d=50±0,48 мм) фитопатоген замбуруғларни ўсишини эркин ҳолдаги хужайраларга нисбатан фаолроқ ингибирлади (6-расм).



6-расм. Фосфор унига иммобилланган *B. subtilis* BS-26 хужайраларининг *C. herbarum* Link. 56, *A. alternata* 650 ва *F. oxysporum* 460 томат фитопатоген замбуруғларини ўсишини ингибирлаши

Иммобилланган ризобактериялар хужайраларини ўсиш ва илдиз ҳосил қилиш фаоллиги. Шўрга чидамли эркин ҳолдаги ва фосфор унига иммобилланган *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва

P. amylolyticus PA-118 ҳужайраларининг лаборатория шароитида шўрланган тупроқларда ғўза уруғини униб чиқишига майсаларнинг ўсиши, ривожланиши ва илдиз ҳосил қилишига таъсири ўрганилди. Тажрибалар ғўза уруғининг С-6524 навида олиб борилди. Имобилланган ғўза ризобактериялари майсалар бўйининг узунлиги, илдиз системасининг ривожланиши, ўсимликнинг нам ва қуруқ массаси бўйича эркин ҳолдаги ҳужайраларга нисбатан ўсиш ва илдиз ҳосил қилиш фаоллигини яхши сақлаганлиги намоён бўлди (7-расм).



7-расм. Эркин ҳолдаги ва имобилланган (ИМ) ризобактериялар ҳужайраларини ғўза майсасининг бўйига, илдиз ҳосил қилишига, нам ва қуруқ вазнига таъсири

Кузги буғдой ва сабзавот экинлари билан олиб борилган тажрибаларда ҳам шунга ўхшаш маълумотлар олинди.

Имобилланган шўрга чидамли ғўза ризобактерияларининг фитогормонал фаоллиги. Узоқ муддат фосфор унида сақлангандан сўнг имобилланган *B. subtilis* BS-80, *B. licheniformis* BL-83, *P. polymyxa* PP-113 ва *P. amylolyticus* PA-118 ғўза ризобактериялари ҳужайраларининг фитогормонал фаоллиги ўрганилди.

4-жадвалда, эркин ҳолдаги ва фосфор унига имобилланган ғўза ризобактериялари ҳужайраларининг ИСК ва гиббереллинлар синтези бўйича маълумотлар келтирилган.

Фитогормонларни синтезлаш бўйича энг яхши натижаларни фосфор унига имобилланган шўрга чидамли ғўза ризобактериялари ҳужайралари кўрсатди.


Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар асосида ўрганилган фосфор парчаловчи бактериялар физиологик фаолликларини барқарорлаш бўйича ҳужайраларни адсорбцион имобиллаш учун ташувчи сифатида фосфор уни танланди ва у асосида янги қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериял ўғитлар ва комплекс таъсир этувчи RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни яратиш мумкин.

Эркин ҳолдаги (ЭХ) ва фосфор унига имобилланган (ИМ) ғўза ризобактериялари хужайраларининг ИСК ва гиббереллинлар синтези (мкг/мл)

Шўрга чидамли фосфор парчаловчи ризобактерия хужайралари	Индол 3-сирка кислотаси		
	Суткалар		
	3	5	7
ЭХ - <i>B. subtilis</i> BS-80	15,3±0,30	16,7±0,22	18,7±0,25
ИМ - <i>B. subtilis</i> BS-80	26,8±0,40	28,2±0,38	40,3±0,32
ЭХ - <i>B. licheniformis</i> BL-83	29,5±0,37	14,7±0,21	0
ИМ - <i>B. licheniformis</i> BL-83	30,7±0,41	17,4±0,27	14,7±0,26
ЭХ - <i>P. polymyxa</i> PP-113	21,4±0,12	15,3±0,18	13,3±0,23
ИМ - <i>P. polymyxa</i> PP-113	24,1±0,26	16,7±0,23	14,7±0,29
ЭХ - <i>P. amylolyticus</i> PA-118	9,32±0,09	9,24±0,06	11,3±0,06
ИМ - <i>P. amylolyticus</i> PA-118	13,3±0,17	9,92±0,10	12,0±0,15
Гиббереллин			
ЭХ - <i>B. subtilis</i> BS-80	430,3±0,26	291,9±0,16	1068,8±0,76
ИМ - <i>B. subtilis</i> BS-80	786,8±0,23	384,2±0,26	1153,4±0,84
ЭХ - <i>B. licheniformis</i> BL-83	307,2±0,16	291,9±0,23	399,5±0,32
ИМ - <i>B. licheniformis</i> BL-83	430,3±0,32	307,2±0,30	430,3±0,24
ЭХ - <i>P. polymyxa</i> PP-113	738,0±0,58	291,9±0,16	311,5±0,46
ИМ - <i>P. polymyxa</i> PP-113	768,8±0,61	305,7±0,23	384,2±0,50
ЭХ - <i>P. amylolyticus</i> PA-118	104,2±0,15	276,5±0,26	322,6±0,35
ИМ - <i>P. amylolyticus</i> PA-118	138±0,29	291,9±0,32	338,6±0,38

Диссертациянинг тўртинчи “Қуруқ шаклдаги бактериал ўғитлар ва биопрепаратларни қўллаш ва олиш технологиясини яратиш” лаборатория шароитида қуруқ шаклдаги биоўғитларни олиш технологияси бўйича ва Сирдарё вилоятининг шўрланган тупроқларида қуруқ шаклдаги биопрепаратларни RIZOKOM-1 ғўзада, RIZOKOM-2 буғдойда Давлат рўйхатида олиш синовидан ўтказиш бўйича натижалар келтирилган.

Қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни технологик ва аппаратурали схемаларини яратиш. Биопрепаратларнинг рентабиллигини бирдан бир асосий критерияси, уларни олиш жараёнини иқтисодий ва технологик асосланганлиги ҳисобланади. Қуруқ шаклдаги FOSSTIM сериясидаги бактериал ўғитлар ва RIZOKOM сериясидаги биопрепаратларни ишлаб чиқариш бўйича технологик ва аппаратурали схемалари яратилди (8-расм).



8-расм. Қуруқ шаклдаги FOSSTIM ва RIZOKOM сериясидаги биоўғитларни ишлаб чиқариш технологик ва аппаратурали схемалари

Қуруқ шаклдаги биоўғитларни тайёрлаш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат: селекционланган штаммларни фаол ҳолатда сақлаш, озика муҳитларини тайёрлаш ва стерилизациялаш, инокулят олиш, фосфор парчаловчи ризобактериялар суспензиясини ўстириш, ташувчиларни тайёрлаш ва стерилизациялаш, фосфор парчаловчи ризобактериялар суспензияларини ташувчиларга иммобиллаш, қуритиш, қадоқлаш, тайёр маҳсулот сифатини назорат қилиш, қуруқ шаклдаги биоўғитларни сақлаш ва қўллаш. Қуруқ шаклдаги биоўғитлар яшовчан ҳужайраларининг юқорилиги, узоқ муддат сақланганда таркибининг барқарорлиги, қўллаш учун қулайлиги билан характерланади.

